

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМАТОВ БАХТИЁР РУСТАМОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИҚАНОТСИМОН (INSECTA,  
ORTHOPTEROIDEA) ҲАШАРОТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Холматов Бахтиёр Рустамович**

Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta, Orthopteroidea)  
хашаротлари..... 3

**Холматов Бахтиёр Рустамович**

Ортоптероидные насекомые (Insecta, Orthopteroidea) Южного  
Узбекистана..... 28

**Kholmatov Bakhtiyor Rustamovich**

Orthopteroid insects (Insecta, Orthopteroidea) of Southern Uzbekistan..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 57

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМАТОВ БАХТИЁР РУСТАМОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИҚАНОТСИМОН (INSECTA,  
ORTHOPTEROIDEA) ҲАШАРОТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/B76 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Азимов Джалолиддин Азимович**  
биология фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович**  
биология фанлари доктори, профессор, академик

**Шакарбоев Эркинжон Бердикулович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Пазилов Абдуваеит Пазилович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.B.39.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «10» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+998) 71-262-37-95; факс: (998) 71-262-79-38; E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz))

Диссертация билан Ботаника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№41 -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 32-уй. Тел.: (+998) 71-262-37-95.

Диссертация автореферати 2019 йил «25» ноябр куни тарқатилди.

(2019 йил «25» ноябрдаги 2 - рақамли реестр баённомаси).



**К.Ш.Тожибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Б.А.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Х.Ф.Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг курғоқчил ҳудудларидаги иқлим ўзгаришларининг кескинлашуви ва табиий ландшафтларнинг бузилиши экотизимнинг муҳим компоненти бўлган ҳашаротлар хилма-хиллигининг қисқаришига олиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий ўсиш суръатлари кўпчилик ҳолатларда ҳашарот турлари, жумладан, тўғриқанотсимон ҳашаротлар яшаш муҳитларининг антропоген ўзгариши билан боғлиқ ҳолда кечаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунга кўра, тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг биохилма-хиллиги ва турли ландшафтларда фаунасининг шаклланишини аниқлаш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ҳашаротларнинг хилма-хиллик хавфсизлигини таъминлашга, турли омиллар таъсирида ҳашаротларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини аниқлаш ҳамда зарарли турларига нисбатан самарали муҳофаза чораларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, дунёда ҳашаротларнинг камёб ва ноёб турлари тарқалган алоҳида аҳамиятга эга ҳудудлар аниқланди, иқлим омиллари ва саноат ишлаб чиқаришининг ҳашаротлар популяцияларига таъсири баҳоланди, қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи вакилларига қарши кураш чоралари такомиллаштирилди. Таъкидлаш лозимки, ҳашаротлар синфи орасида тўғриқанотсимон ҳашаротлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар вакиллариининг турли экотизимларда тарқалиш диапазонининг кенглиги, табиатдаги индикаторлик, санитар-эпидемиологик ва зараркунандалик хусусиятлари тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш ҳамда локал ҳудудлардаги фаунасини шаклланишини ўрганишни тақозо этмоқда. Бу ўринда, тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг зоогеографик тақсимланишини таҳлил қилиш, электрон маълумотлар базасини яратиш, зарарли турларини назорат қилиш усуллариини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамиз ҳайвонот дунёси хилма-хиллигини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда кадастрини юритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, жумладан, ҳашаротларнинг тур таркиби аниқланди, уларнинг йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари муҳофаза остига олинди, зарарли турларга қарши биологик кураш усуллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, жумладан «атроф муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, республикамизнинг жанубий ҳудудларида тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш, ландшафтлараро тарқалишини ва фаунасининг шаклланишини очиб бериш, тарқалишини акс эттирувчи ГАТ

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

хариталарини тузиш, зарарли турларига қарши самарадор ва безарар кураш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Хайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3256-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг биохилма-хиллиги, фаунистик комплекслари, экологияси ва зоогеографиясига ҳамда термитларга нисбатан ёғоч материалларининг чидамлилигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Formosan Subterranean Termite Research Unit (АҚШ), Instituto Nacional de Pesquisas da Amazonia (Бразилия), University of Wyoming (АҚШ), Зоология институти (Хитой), Zoological Research Museum Alexander Koenig (Германия), Москва давлат университети (Россия), Zoological Survey of India (Ҳиндистон), Зоология институти (Қозғистон), Чўл ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси миллий институти (Туркменистон) ва Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг систематикаси, морфологияси, фаунаси, экологияси ва зоогеографиясига ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: тўғриқанотсимонларнинг тур таркиби ва зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареаллари хариталаштирилган ва улар популяциясини назорат қилишнинг ГАТ тизими яратилган (University of Wyoming, АҚШ); тўғриқанотсимонларининг фаунаси аниқланган ва таксономияси асосланган (Зоология институти, Хитой)); табиий ландшафтларда тўғриқанотсимонларнинг тарқалиш хусусиятлари очиб берилган, тўғриқанотсимонларнинг геномик таҳлиллари асосида уларнинг

---

<sup>2</sup>Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

таксономияси ва систематикаси асосланган (Zoological Survey of India, Ҳиндистон); тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг биохилма-хиллигини акс эттирувчи локал электрон маълумотлар базаси яратилган ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган (Зоология институти, Қозоғистон).

Дунёда тўғриқанотсимон ҳашаротлар катта туркуми турларининг морфобиологияси, турли экосистемалардаги биохилма-хиллиги, экологик аҳамияти бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Orthopteroidea катта туркуми турларини молекуляр-генетик тавсифлаш; турларни глобал ген банкини яратиш; тўғриқанотсимон ҳашаротлари туркумининг фаунаси ва турлар экологиясини асослаш; камёб турларини *in situ* шароитида кўпайтириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўғриқанотсимон ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш ва уларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш ҳамда популяцияларини назорат қилишда ГАТ тизими ишлаб чиқишда хорижлик олимлар: А.М. Fermin ва бошқ. (2013), А.В. Лачининский ва бошқ. (2001), В. Agabiti ва бошқ. (2006), Р.А. Oliveira (2001) томонидан олиб борилган. МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан зарарли чигиртка турлари систематикаси, морфологияси, тўғриқанотсимонларнинг экологик хусусиятлари ва зоогеографияси Ф.Н. Правдин (1978, 1980), М.Г.Сергеев (1986), И.К. Лопатин (1989), О.Л. Крыжановский (2002) ишларида қайд этилган.

Марказий Осиёда тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунаси, таксономияси ва экологиясига оид маълумотлар А.П. Федченко (1872, 1878), Г. Соссюр (1874), Г.Г. Якобсон (1905), Б.П. Уваров (1927), В.П.Поспелов (1939), М.К.Чильдебаев (2017) ишларида акс эттирилган.

Ўзбекистон тўғриқанотсимонлари тур таркиби, систематикаси М.В. Столяров (1966), Р.А. Алимджанов (1974), А.А.Бекузин (1968), Н.Э. Эргашев (1982), Г.Ш. Шомуратов ва Л.М. Копанева (1985) ишларида қайд этилган. Зарарли турларга қарши кураш чоралари Ф.А. Гаппаров (1983, 2001, 2014), А.А. Нуржанов (1989), Ш.К. Худанов (1998), А. Хаитмуратов (1999) ва М.Ж. Медетов (2012, 2018) ишларида акс этган. Термитларнинг биологияси, морфологияси ва уларга қарши кураш чоралари борасида А.Ш. Хамраев (2007), Т.И. Жугинисов (2007), И.И. Абдуллаев (2002), ишларида келтирилган. Шунингдек, Зоология институти (Ўзбекистон)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари жанубий Ўзбекистон ҳудудларида тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тур таркиби, ландшафтлар бўйича тарқалиши, зоогеографияси ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, тўғриқанотсимон ҳашаротларининг келиб чиқиш марказини асослаш, фаунасининг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, тўғриқанотсимонлар ҳаётининг шакллари тавсифлаш, озикланиш типига асосан турли-туманлигини очиқ бериш ҳамда зарарли турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усулларини амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот**

**муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И5-ФА-0-39854 “Термитларга қарши ёғоч материалларини барқарорлигини ошириш технологияси” (2012-2013), И5-ФА-0-96815 “Термитларга қарши такомиллаштирилган ем-хўракларларни ишлаб чиқиш ва жорийлаштириш” (2014-2015), ВА-ФА-Ф5-011 “Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta: Orthopteroidea) ҳашаротлари” (2017-2020), ПЗ-20170927149 “*Anacanthotermes* авлоди термитларига қарши янги “Antitermit” ем-хўраги ва кураш усуллари ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг замонавий тур таркибини аниқлаш, кадастрини ишлаб чиқиш ва зарарли турларини назорат қилиш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасининг тур таркибини аниқлаш ва таксономик структурасини ўрнатиш;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг ландшафтлараро тарқалишини аниқлаш;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг зоогеографик тақсимланишини таҳлил қилиш;

тўғриқанотсимон ҳашаротлар доминант гуруҳларининг ҳаётий шакллари тасвирлаб бериш;

тўғриқанотсимон ҳашаротлар кадастрини юритиш;

тўғриқанотсимон ҳашаротлар электрон базасини яратиш;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг биологик хилма-хиллигини аниқлаш;

зарарли турларини назорат қилиш усуллари такомиллаштириш ва тавсияномалар ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон жанубий ҳудудлари фаунасига оид тўғриқанотсимон ҳашаротлар турлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг фаунаси, экологик хусусиятлари, зоогеографияси, биохилма-хиллиги, кадастри ва уларнинг зарарли фаолиятини бошқаришда янги кимёвий препаратларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, зоогеографик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 7 туркум, 18 оила, 19 кенжа оила ва 78 авлодга мансуб 121 тур ва кенжа тури аниқланган;

илк бор Ўзбекистон фаунаси учун тўғриқанотсимон ҳашаротлар катта туркуми вакиллари 2 авлод, 3 тур ва 1 кенжа тури, Жанубий Ўзбекистон фаунаси учун эса Orthoptera туркумига мансуб 2 авлод ва 7 тур аниқланган;

тўғриқанотсимонлар фаунасининг 3 та ландшафт шакллари бўйича шаклланиши ва турли агроценозларда тарқалиши исботланган;



Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг географик кенглик ва узунлик кесимида 33 гуруҳга ажратилган;

тўғриқанотлиларни табиий ва антропоген ландшафтлардаги миқдори ҳамда зичлигига асосан 4 та таснифи ишлаб чиқилган ва ҳаётий шакллари бўйича 22 гуруҳга ажратилган;

тўғриқанотлиларнинг *Calliptamus turanicus*, *Calliptamus italicus italicus*, *Dociostaurus maroccanus* қишлоқ хўжалик экинлари хавfli зараркунандаси эканлиги изоҳланган ва *Duroniella gracilis*, *Melanogryllus desertus*, *Platypleura intermedia*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* турларининг табиатда трофик алоқалари очиб берилган;

9 тур тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг табиатдаги индикаторлик, санитар-эпидемиологик ва зараркунандалик хусусиятлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон шароитида тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг миқдори энг кам бўлган 16 турларини Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда энг кўп миқдорда учрайдиган 4 турларини хўжалик аҳамияти очиб берилган;

Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари ҳақидаги ахборотларни сақловчи, қидирувчи ва ҳисоботларни тайёрловчи функциялардан ташкил топган маълумотлар базаси яратилган;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг 7 туркум 18 оиласига мансуб 121 турининг кадастр тизими ишлаб чиқилган;

“Septor-2” препаратининг 0.05% эритмасининг ёғоч-тахта намуналарига сингдирилиши орқали, 95.9-97.6% чидамлилиқ ҳосил қилувчи термитлардан ҳимоя қилиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари фаунасини тўла таҳлил қилинганлиги ва популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги таксономик бирликлар қайд қилинганлиги, биологик хилма-хиллигига ва ҳаёт шаклларига асосан экологик гуруҳларининг тавсифланганлиги, туркум ҳашаротлари экологик мониторинг қилинганлиги ҳамда жуда кам тарқалган турлар рўйхати тузилганлиги, бу ҳудуддаги содир бўлаётган антропоген ўзгаришларнинг катта туркум ҳашаротлари фаунасига таъсири баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Ўзбекистон

тўғриқанотсимон ҳашаротларининг кадастрини юритиш, маълумотлар базасини ишлаб чиқиш, йўқолиб кетаётган ва кам учрайдиган турлари тарқалган ҳудудларни аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш учун тавсия қилиш, янги кимёвий препаратлар ёрдамида термитларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, улардан ёғоч-тахта материалларини ҳимоя қилишда чидамлилигини ошириш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta, Orthopteroidea) ҳашаротлари” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тарқалишини акс эттирувчи 8 та тасниф бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўлимлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-03/1-3515-сон маълумотномаси). Натижада ушбу вилоятлар ҳудудларида тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг индикатор, санитария-эпидемиологик ва зараркунанда турларининг тарқалишини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш имконини берган;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг Қашқадарё вилоятида тарқалган 14 турни, Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган 10 турни Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш ва камёб турларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўлимлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-03/1-3515-сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Ўзбекистон шароитида антропоген босим юқори бўлган ҳудудларида тарқалган 121 тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг ҳимояга муҳтож 16 та турининг популяциялар ҳолатини баҳолаш ва уларни сақлаб қолиш имконини берган;

тўғриқанотсимон ҳашаротлар катта туркумига тегишли бўлган 119 тур ва кенжа турларига мансуб 510 нусха ҳашарот намуналари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти Ноёб коллекцияси фондига топширилиб, амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 7 октябрдаги 4/1255-2658-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар республиканинг жанубий ҳудудлари бўйича ҳашаротлар фондини бойитган ва улар популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда интерфаол атласлар тайёрлаш имконини берган;

Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари юзасидан ишлаб чиқилган информацион маълумотлар базаси натижалари ВА-ФА-Ф5-011 рақамли «Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta: Orthopteroidea) ҳашаротлари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада тўғриқанотсимон ҳашаротлар ҳақидаги ахборотларни қидириш, кадастрини тузиш ҳамда мазкур

ҳашаротлар бўйича умумий маълумотларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 7 октябрдаги 4/1255-2658-сон маълумотномаси). Натижада, тўғриқанотсимон ҳашаротлар ареалларини харитага тушириш, турлар тарқалган ҳудудлардаги ўзгариш жараёнларини мониторинг қилиш имконини берган;

ёғоч материалларининг термитлар зарарига барқарорлигини ошириш мақсадида “Пирилакс” ва “Пирилакс-Люкс” кимёвий препаратларининг 0,5-1,0% концентрацияли эритмалари билан термитлар тарқалган ҳудудларга ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Ковчун” МФЙ ва Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Истиклол” МФЙ ҳудудларида термитлар тарқалишининг олдини олиш амалиётига жорий қилинган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 25 октябрь 01-12/1014-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг турар жой бино ва иншоотларига чегарадош бўлган табиий ва очик ер майдонларидаги термит уяларида термитлар сонини кескин камайтириш ҳамда уларга қарши биологик самарадорликни 90,4-97,9% ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 1 та монография, 3 та тавсиянома, 1 та патент, 1 та гувоҳнома ва ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (11 та республика ва 4 та хорижий журналларда), 8 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация иши кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ўрганиш ҳолати**» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунаси, зоогеографияси, зарарли турлари ва улардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган

адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, бўлимда кам ўрганилган тўғриқанотсимонлардан сувараклар, бешиктерватлар, баҳорикорлар, таёқчалилар экологияси бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари кам эканлиги, ҳозирги замон фаунистикасини тасвирлаб бера олмаслигини ҳамда тўғриқанотсимонлар кенг доирада ўрганиш кераклиги очиб берилган. Бобнинг иккинчи бўлимида, тадқиқот усул ва материаллари акс эттирилган. Тўғриқанотсимонларни тадқиқ қилиш ишлари 2012-2019 йиллар давомида олиб борилган. Уларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш ишлари белгиланган маршрутлар бўйича ва белгилаб олинган ҳудудларда ўтказилган (1-расм).



**1-расм. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларининг тўғриқанотсимонлар йиғилган координаталарининг харита ёрдамида ифодаланиши (Google Earth).**

★ - стационар майдон, ◆ - маршрутли майдон

Бунинг учун катта майдонни эгаллаган географик ҳудудлар, жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тоғ, тоғ олди адир ҳудудлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган агроландшафтлардан тўғриқанотсимон ҳашаротлар намуналари йиғилди. Ҳашаротлар намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш ва коллекция намуналарини тайёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Лачининский ва бошқ. 2001, Сергеев, 1985, Правдин, 1980, Правдин, Мищенко, 1982). Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 20 мингдан ортиқ ҳашарот намуналари йиғилди ва ўрганилди.

Ёғоч материалларининг термитлар билан зарарланишини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишлари Н.М. Трушенкова (1962), Д.П. Жужиков (1968) методлари асосида олиб борилди.

Диссертациядаги олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида ва статистик ишлови Г.Ф. Лакин (1990) методи асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари тур таркиби ва таксономик тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижасида йиғилган ҳар бир турнинг тарқалиши,

аниқланган жойи, муддати, таксономик ўрни, озиқланишига кўра гуруҳланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Аниқланган турлар сони, уларнинг таксономик ҳолати ва тақсимланиши 1-жадвалда берилган. Жанубий Ўзбекистонда тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг 7 туркум, 18 оила, 19 кенжа оила ва 78 авлодга мансуб 121 тур ва кенжа тури тарқалганлиги биринчи бор қайд қилинди (1-жадвал).

# 1 – жадвал

## Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари тур таркиби ва таксономик тақсимланиши

№	Оила	Кенжа оила	Авлод сони	%	Тур сони	%
Blattoptera						
1	Corydiidae	Corydiinae	1	0.8	1	0.8
2	Blattidae	Blattinae	1	1.3	1	0.8
3	Ectobiidae	Blattellinae	1	1.3	1	0.8
Isoptera						
	Hodotermitidae		1	1.3	2	1.6
Mantoptera						
1	Mantidae	Mantinae	2	2.6	2	1.6
		Miomantinae	1	1.3	1	0.8
		Oxyotespinae	1	1.3	1	0.8
		Dystacinae	1	1.3	1	0.8
		Tarachodinae	1	1.3	1	0.8
2	Empusidae	Empusinae	1	1.3	1	0.8
Phasmoptera						
1	Diapheromeridae		2	2.6	2	1.6
Plecoptera						
1	Chloroperlidae		1	1.3	1	0.8
2	Nemouridae		1	1.3	1	0.8
Dermaptera						
1	Labiduridae		1	1.3	1	0.8
Orthoptera						
1	Tettigoniidae	Phaneropterinae	1	1.3	1	0.8
		Tettigoninae	9	11.5	11	9.1
2	Gryllidae	Grylloinae	8	10.2	11	9.1
		Nemobiinae	1	2.6	2	1.6
		Oecanthinae	1	1.3	1	0.8
3	Gryllotalpidae	-	1	1.3	3	2.5
4	Tridactylidae	Tridactylinae	1	1.3	1	0.8
5	Tetrigidae	Tetriginae	2	2.6	5	4.1
6	Pyrgomorphidae	-	1	1.3	1	0.8
7	Pamphagidae	Thrinchinae	5	6.4	7	5.8
8	Acrididae	Catantopinae	8	10.3	15	12.4
		Acridinae	24	30.1	46	38
<b>Жами</b>	<b>18</b>	<b>19</b>	<b>78</b>	<b>100</b>	<b>121</b>	<b>100</b>

Темирчакларнинг (Tettigoniidae) 10 та авлодга мансуб 12 тури, чирилдоқларнинг (Gryllidae) 11 та авлодга мансуб 14 тури,


бузоқбошиларнинг (Gryllotalpidae) 1 авлодга мансуб 3 тури, триперстларнинг (Tridactylidae) битта авлодга мансуб бир тури, тетригидаларнинг (Tetrigidae) 2 авлодга тегишли бўлган 5 тури, пиргаморфидаларнинг (Pyrgomorphidae) 1 авлодга мансуб битта тури, памфигидаларнинг (Pamphagidae) 5 авлодга мансуб 7 тур ва ҳақиқий чигирткаларнинг (Acrididae) эса 32 авлодга мансуб 61 тур ва кенжа турининг ўрганилаётган ҳудудда тарқалганлиги аниқланди.

Тўғриқанотсимон ҳашаротлардан суваракларнинг 3 та, бешиктерватларнинг 7 та, термитлар, баҳорикорлар ва таёкчалар туркумларига мансуб бўлган иккитадан тур ва тери қанотлиларнинг 1 тури Ўзбекистоннинг жанубий қисмида тарқалганлиги аниқланди.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган, темирчакларнинг иккита авлоди (*Tessellana*., *Gampsocleis*) ва учта тури - *Glyphonothus thoracicus* (F-Wald), *Tessellana vittata* (Charpentier), *Gampsocleis glabra* (Herbst) ҳамда бузоқбошиларнинг битта тури (*Gryllotalpa orientalis*) Burmeister, 1838 (Africana auct.), шунингдек, чигирткаларнинг 2 тури (*Asiotmethis heptapotamicus* (Zub., 1898), *Pezotmethis nigrescens* (Pyln.) Uv. ва 2 кенжа тури *Conophyma sokolovi decorum* Misshenko., *Conophyma semenovi semenovi* Zub.). Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор кўрсатилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Тўғриқанотсимонларнинг зоогеографик таҳлили, минтақавий ва географик кенгликлар бўйича тарқалиш ареаллари**” деб номланган бўлиб, Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларини М. Ф. Правдин, Л. Л. Мищенко (1980), И. К. Лопатин (1986), М. Г. Сергеев (1986), О. Л. Крижановский (2001) каби муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган назариялар асосида зоогеографик таҳлил қилиб ўрганилди. Ҳудуддан йиғилган 78 авлодга мансуб 121 тур тарқалиш ареалининг зоогеографик таҳлил натижалари бўйича 10 гуруҳга ажратилди.

Олинган маълумотлар натижаларига асосан, ўрганилган ҳудудда тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг 26% Қадимги Ўрта ер денгизи авлодларига мансуб турлардан иборат. Турлар сони кўп бўлган *Dericorys*, *Calliptamus*, *Asiotmethis*, *Egnatius*, *Duroniella*, *Ramburiella*, *Doclostaurus* ва *Notostaurus* каби авлодларнинг бу гуруҳга мансублиги таъсирида уларнинг миқдори энг юқори кўрсаткичга эга. Шунингдек, Шарқий ярим шар плүрирегионал авлодларининг сони кўплиги ва Плүрирегионал авлодларга мансуб турлар кенг тарқалганлиги сабабли, бу иккала зоогеографик ҳудуд турларининг миқдори ҳам 38 фоизга яқин бўлиб, улар мос равишда 24% ва 14% ни ташкил қилган. Ўрта Осиё тоғ, Ўрта Осиё эндемиклари ва Турон турларининг жами миқдори 18% ни ташкил қилган ҳолда Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларини келиб чиқиши ва зоогеографик тақсимооти билан Қадимги Ўрта ер денгизи авлодлари доминантлик қилиши аниқланди. Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлари 10 та зоогеографик авлодлар элементларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг 26% Қадимги Ўрта ер денгизи, 24% Шарқий ярим шар плүрирегионал, 14% Плүрирегионал, 6% Ўрта ер денгизи, 8% Ўрта осие тоғ, 10% Транспалеарктик, 3% Голарктик, 4% Турон ва Ўрта Осиё эндемикларини, Бореал палеарктик 1%ни ташкил қилади (2-расм).



**2-расм. Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг зоогеографик тақсимланиши:** 1. Плюрирегионал турлар; 2. Шарқий ярим шар плюрирегионал турлар; 3. Бореал полеарктик турлар; 4. Транспалеарктик турлар; 5. Голарктик турлар; 6 Турон турлари; 7. Қадимги Ўрта ер денгизи турлари; 8. Ўрта ер денгизи турлари; 9. Ўрта осий тоғ турлари; 10 Ўрта Осиё эндемиклари

Ареал бу айрим ҳайвонот тури ёки бошқа таксони популяциясининг ер шари бўйлаб доимий учрайдиган ва тарқалган ҳудуди ёки акваториясидир. Диссертациянинг учинчи бобида ўрганилаётган тўғриқанотлиларнинг ҳар бир тури бўйича уларнинг тарқалиши тўғрисида маълумот келтирилган. Бу маълумотларни янада кенгроқ ифодалаш учун турларнинг кенглик ва узунлик ареаллари бўйича гуруҳланиши аниқланди. Бу таҳлил М.Г.Сергеев (1986) усулига асосланган ҳолда ўрганилди. Шунга биноан, ҳудудда аниқланган 121 тур ва кенжа турнинг географик кенглик ва узунликлар бўйича тақсимланиши келтирилган.

Жанубий Ўзбекистоннинг тўғриқанотли ҳашарот турларининг географик кенглик ареаллари бўйича 7 та гуруҳга ажратилди. Ўрганилган ҳудудда аниқланган ва ареалларни ўрганиш бўйича олинган маълумотларга асосан, полизонал турлар 13 та (10.7%), дашт турлар 21 та (17.3%), шимолий дашт турлар 7 та (5.8%), Жанубий дашт турлар 19 та (15.7%), чала чўл турлари 21 та (17.3 %), чўл турлари 37 та (30.5%) ва Жанубий чўл тури 3 та (2.5 %) ни ташкил этди.

Транспалеарктик турлар 31 та (25.6 %) бўлиб, бу гуруҳга киритилган турлар ареали полеарктиканинг катта қисмига тарқалган. Буларга *Gryllotalpa*, *Locusta*, *Chorthippus* каби Евроосий ҳудудлари бўйлаб тарқалган авлод турлари киритилган. Европа-Сибирь турлари 9 та (7.4%), Европа – Қозоғистон турлари 13 та (10.7 %), Европа - Ўрта Осиё турлари 7 та (5.8%), Қозоғистон-Ғарбий Мўғил турлари 4 та (3.3 %), Қозоғистон – Мўғил турлари 4 та (3.3 %), Ўрта Осиё-Қозоғистон турлари 15 та (12.4 %), Ўрта Осиё

турлари 33 та (27.4 %), Марказий Осиё, Қозоғистон турлари 5 та (4.1 %).

Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг географик кенглик ва узунлик бўйича тақсимланиши умумлаштирилган ҳолда берилди. Унга асосан тўғриқанотлилари географик кенглик бўйича 7 та, географик узунлик бўйича эса 9 гуруҳга ажратилди.

## 2-жадвал

### Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг географик кенглик ва узунлик кесимида тақсимланиш миқдори

Географик узунлик	Географик кенглик							Жами
	Полизонал	Дашт	Шимолий дашт	Жанубий дашт	Чала чўл	Чўл	Жанубий чўл	
Транспалеарктик	13	6	4	6		1	1	31
Европа-Сибир		2	3	2	1		1	9
Европа-Қозоғистон		2		8	2	1		13
Европа-Ўрта Осиё		2			1	4		7
Қозоғистон - Ғарбий Мўғил				1	2	1		4
Қозоғистон - Мўғил					3	1		4
Ўрта Осиё-Қозоғистон				1	6	7	1	15
Ўрта Осиё		9		1	3	20		33
Марказий Осиё - Қозоғистон					3	2		5
Жами	13	21	7	19	21	37	3	121


Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг географик кенглик ва узунлик кесимида таҳлил қилиш натижаларига асосан, улар қуйидаги тарзда гуруҳларга ажратилди. Олинган маълумотларга кўра, Транспалеарктик – Полизонал турлар 13 та, Транспалеарктик – Дашт турлар 6 та, Транспалеарктик - Шимолий дашт турлар - 3 та, Транспалеарктик - Жанубий дашт турлар сони 5 та ва Транспалеарктик – Чўл турлар сони эса, 3 та бўлиб, уларнинг миқдори 25.6 % га тенг. Энг кўп миқдорда турларни қамраб олган гуруҳ - бу Ўрта Осиё Дашт – 8 тур, Ўрта Осиё - Жанубий дашт - 1 тур, Ўрта Осиё - Чала чўл - 3 тур, Ўрта Осиё - Чўл - 21 тур бўлган ҳолда, уларнинг миқдори 27,3% ни ташкил қилди. Бу иккала гуруҳга мансуб ҳашаротлар миқдори 52.9% ни ташкил қилган бўлиб, Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлилар асосий турларини бириктирган. Қолган гуруҳларни қамраб олган турлар сони 3 дан (Қозоғистон – Мўғил - Чала чўл, Қозоғистон – Мўғил – Чўл) 11 гача (Европа-Қозоғистон географик узунлик ва Дашт, Жанубий дашт, Чала чўл, Чўл географик кенглик турлар) тенг. Уларнинг улуши 47% ни ташкил қилди (2 - жадвал).

Диссертациянинг «Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг экологик хусусиятлари ва биологик хилма-хиллиги» деб номланган тўртинчи боби 6 бўлимдан иборат бўлиб, тўғриқанотсимон ҳашаротлари биохилма-хиллиги, турларининг ландшафтлар бўйича тарқалиши, фаунасининг шаклланиши ва




экологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тўғриқанотсимон ҳашаротлар авлодлари миқдорининг биохилма-хиллиги, оилалар бўйича тақсимланишига таҳлил қилиш маълумотларига эътибор берилса, жами 78 та авлоднинг 41% ҳақиқий чигирткасимонлар (Acrididae) оиласига мансуб эканлигини кўрамиз (3-расм).




**3 – расм. Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари авлодларининг оилалар кесимида тақсимланиши**

Темирчаклар (Tettigoniidae) ва чирилдоқлар (Gryllidae) оилалари авлодларининг улуши 13% га тенг бўлган ҳолда, Mantidae оиласи авлодлари улуши 8% ва Pamphagidae улуши 7 % га тенг. Tetrigidae оиласига тегишли авлодлари миқдори 3% ва бошқа 11 оилалар ҳар бирининг улуши эса 0.8 % ташкил қилади. Шунингдек, оилаларнинг турлар сони бўйича ҳақиқий чигирткасимонлар (Acrididae) оиласи турлар улуши энг кўп миқдорда ва у 50% га тенг. Иккита оила, яъни Gryllidae ва Tettigoniidae оилалари турлари ҳар бирининг улуши 11 %. Hodotermitidae, Gryllotalpidae, Tetrigidae, Mantidae, Pamphagidae оилалари турларининг улуши 2 фоиздан кўп, яъни мос равишда 2%, 3%, 4%, 5% ва 6% ни ташкил қилган. Қолган 9 оила турлари миқдори, ҳар бирининг улуши 1% дан кам эканлигини кўришимиз мумкин (4-расм).



**4-расм. Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари турлари миқдорининг оилалар кесимида тақсимланиши**

Ўзбекистоннинг жанубий қисмида тарқалган тўғриқанотсимонлардан суваракларнинг 3 та, бешиктерватларнинг 7 та, термитлар ва баҳорикорлар туркумларига мансуб бўлган иккитадан, таёқчалилар ва териқанотлиларнинг биттадан, тўғриқанотлиларнинг 105 та жами аниқланган 121 турининг 77 (63.6 %) тури агроландшафтларда, 58 тури (47.9 %) даштларда, 62 (51.2 %) тури чўл ва 71 тури (58.6%) тоғ ва тоғ олди минтақаларида тарқалган (5-расм).




**5 – расм. Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг ландшафтлар бўйича тарқалиши**

Келтирилган маълумотлардан маълумки, Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимонлар турларининг минтақаларда тарқалиши турлича бўлиб, улардан айримлари (*Locusta*, *Calliptamus*, *Dociostaurus*) ялпи кўпайиш хусусиятига эга бўлган қишлоқ хўжалик экинлари зараркундалари

ҳисобланса, айримлари жуда кам учрайдиган турлар (*Sceptrophasma bituberculatum*, *Glyphonotus alactaga*, *Pteronemobius gracillis*, *Pteronemobius heydeni concolor*, *Bruntrydactylus tartarus*, *Melanotmethis fuscipennis*, *Pezotmethis ferghanensis*, *Oedipoda fedtschenkoi fedtschenkoi*, *Sphingonotus halophilus*, *Sphingonotus miramae*) ҳисобланади. Баъзи турлар ўрганилаётган барча минтақада тарқалган (*Blattella germanica*, *Mantis religiosa langoalata*, *Platycleis intermedia*, *Anacridium aegyptium*, *Heteracris adspersa*, *Acrotylus insubricus*, *Dociostaurus maroccanus*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti*, *Calliptamus* авлоди турлари ва *Acrida oxyccephala*) бўлса, фақат битта минтақада *Oxya fuscovittata*, *Heteracris pterosticha*, *Arcyptera microptera*, *Epacromius tergestinus* каби турлари яшашга мослашган.

Тўғриқанотсимонларнинг барча ўрганилган ландшафтлар учун хос бўлган турлар миқдори 20 та (16.5 %) агроценоз учун хос турлар 19 та (15.7 %), чўл ландшафти учун хос бўлган турлар эса 10 та (8.2%) бўлиб, тоғ учун характерли турлар 7 та (5.8%) бўлиб, дашт турлар 2 та (1.6%) ва дашт ландшафти учун хос бўлган турлар асосан тоғ турларига жуда яқин.

Тўғриқанотсимонларнинг ҳаёт шакллари ва био хилма-хиллиги бўлимида ўрганилаётган ҳудуд ҳашаротларининг ҳаёт шаклларига асосан 22 та гуруҳга ажратилган (6-расм).



**6 - расм. Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари турларининг ҳаёт шаклларига кўра гуруҳланиши**

Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотли ҳашаротларининг ҳаёт шакли бўйича 14 тур ва 4 кенжа тури эремобионт; 11 тур ва 5 кенжа тури факультатив хортобионт; 9 тур ва 1 кенжа тури - тамнобионт; 3 тур тури – псаммобионт; 10 тури фиссуробионт; 2 тур ва 1 кенжа тури микротамнобионт; 6 тури петриобионт; 7 тур ва 2 кенжа тури бошоқли хортобионт; 4 тур ва 2 кенжа тури – хортобионт; 6 тур тури ихтисослашган

фитофил; 4 тур ва 2 кенжа тури – герпетобионт; 5 тури қатламости геофили; 2 тури қиёқбошокли хортобионт; 3 кенжа тури ўсимликхўр хортобионт; 6 тури геобионт; 1 та тури учувчи мигрант, 1 тадан кенжа турлари синантроп ва криптобионт эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари мониторинги ва кадастри**»га бағишланган бўлиб, тўғриқанотсимон ҳашаротларни экологик мониторинг қилиш якуний таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бу ҳудудда миқдори энг кам бўлган турлар *Glyphonothus alactaga*, *Melanotmethis fuscipennis*, *Oedipoda fedtschenkoi fedtschenkoi*, *Sphingonotus miramae*, *Sphingonotus halophilus*, *Pezotmethis ferghanensis*, *Pteronemobius gracillis*, *Conophyma sokolovi modestum* тур ёки кенжа турлари бўлиб, мониторинг олиб бориш мобайнида улардан 3 нусхадан кам аниқланди ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш учун таклиф қилинди.

Шунингдек, мониторинг даврида энг кўп миқдорда учраган - *Duroniella gracilis* – 115 дона, *Melanogryllus desertus* - 116, *Platycleis intermedia* - 155, *Calliptamus turanicus* - 180, *Dociostaurus maroccanus* - 376, *Calliptamus italicus italicus* – 214, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* - 324 дона бўлган турлар аниқланиб, уларнинг ҳўжалик аҳамияти батафсил ёритилди.

Аниқланган турлардан учтаси *Calliptamus turanicus*, *Dociostaurus maroccanus*, *Calliptamus italicus italicus* қишлоқ ҳўжалик экинларининг хавfli зараркунандаси ҳисобланади. *Duroniella gracilis*, *Melanogryllus desertus*, *Platycleis intermedia*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* турлари эса табиатда организмлар трофик алоқаларида муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган мониторинг натижалари Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг давлат кадастрини юритиш учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб, улар асосида кадастр тизими ишлаб чиқилди.

Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг 7 туркум 18 оиласига мансуб 121 турининг кадастр тизими ишлаб чиқилди.

Яратилган “OrthopteraInfo” маълумотлар базаси жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш учун мўлжалланган. Маълумотлар электрон базасининг тузилишига кўра, ҳар бир ҳашарот турининг таснифи, ҳўжаликдаги аҳамияти, турининг коллектори, тарқалиш ареали, ҳаётий шакли, идентификация тартиб рақами, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар рўйхати ва турларнинг фотосуратлари акс эттирилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Маълумотлар базаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муаллифлик гувоҳномаси олинди (№ ВГУ 00377) ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига фойдаланиш учун тақдим этилган.

Диссертациянинг олтинчи «**Жанубий Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротларининг муҳофазага муҳтож турлари**» бобида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган *Saga pedo* (Pallas, 1771) тури эҳтимол “йўқолиб кетган” мақомига ўзгартиришга ва *Modicogryllus chivensis* (Tarb., 1930) турини республикамиз ҳудудида тарқалиши юзасидан

маълумотларга аниқлик киритиш зарурлиги қайд қилинган. Шунингдек, амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистоннинг Биологик ҳилма–хиллик Конвенцияси бўйича мажбуриятларини бажариш доирасида ва шунингдек, биологик ҳилма–хилликни сақлаш ва барқарор ҳолатда ривожлантириш Миллий стратегияси бўйича кадастрни юритиш учун амалиётда фойдаланиши мумкин бўлган тўғриқанотсимон ҳашаротларининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 1 турининг мақомини ўзгартиришга, Қизил китобга киритиш учун тавсия қилинган 15 тури белгиланди. Улардан 2 турнинг Республикамиз ҳудудида тарқалганлигига аниқлик киритиш зарур. Уларнинг 7 тури (камёб) ва 6 тури кам тарқалган турларга киради. Улар ҳудудий муҳофаза қилиш учун кадастр схемаси тузиб чиқиш зарур. Шунингдек, тўғриқанотсимонлар турлари бўйича тайёрланган бирламчи маълумотлар Миллий даражада кадастр маълумотлари базасини яратиш ва юритиш учун фойдаланилиш имконини берган.

Ўрганилаётган ҳудудда кам тарқалган бир нечта тур *Glyphonotus alactaga* (Miram., 1925), *Modicogryllus* (Tarbinsky, 1940), *Pteronemobius heydeni concolor* (Walker, 1871), *Pteronemobius gracillis* (Jakovlev, 1871), *Bruntridactylus tartarus* (Saussure, 1874), *Melanotmethis fuscipennis* (Rebt., 1889), *Pezotmethis ferghanensis* (Uv., 1925), *Conophyma sokolovi modestum* (Mistsh., 1950), *Pyrgodera armata* F.d. (W., 1846), *Mioscirtus wagneri* (Kitt., 1849), *Oedipoda fedtschenkoi* Saussure, 1884, *Sphingonotus halophilus* B.-Bien., 1929, *Sphingonotus miramae* Mistsh., 1937 ва *Sceptrophasma bituberculatum* (Redtenbacher, 1889) ва кенжа турларини Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш таклиф қилинади.

Диссертациянинг **“Термитлардан ёғоч-тахта конструкцияларини комплекс тарзда химоя қилиш”** деб номланган еттинчи боби икки банддан иборат бўлиб, биринчи банди “Ёғоч материалларни термитларга бардошлилигини оширишда кимёвий термитоцидлардан фойдаланиш”га бағишланган.

Кимёвий воситалар билан ишлов берилган ёғоч-тахталар термитларга қай даражада таъсир этишини аниқлаш мақсадида лаборатория шароитида тажриба асосида синаб кўрилди. Кимёвий препаратларни термитларга нисбатан самарадорлигини синаш мақсадида Россиянинг Ижевск шаҳридаги “НОРТ” илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан ишлаб чиқарилган, “Нортекс-альфа” - 80 г/м<sup>2</sup>, “Нортекс” - Люкс 80 г/м<sup>2</sup>, Пирилакс ва Пирилакс-Люкс 100 г/м<sup>2</sup>, Нортекс-доктор, Нортекс – ПТС 2 препаратларни биологик самарадорлиги лаборатория шароитида ўрганилди.

Лаборатория тажирибалари учун табиий шароитларда яшайдиган термитлар Қашқадарё вилояти Қарши тумани Қовчун қишлоғидан олиб келинди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, «Нортекс-альфа» 80 г/м<sup>2</sup> препаратидан 1 марта шимдирилганда 0.5 % ли концентрацияда 72 соатдан кейин 92 % биологик самарадорлик аниқланди, 168 соатдан кейинги кузатувга кўра, 96 %, 240 соатдан кейин биологик самарадорлик 98.0% ни ташкил қилди. Препаратнинг концентрацияси 2 баробар оширилганда

биологик самарадорлик 98 % ва 100 % эканлиги аниқланди. Бу вариантда термитлар препарат шимдирилган филтър қоғозларни истеъмол қилишмади.

“Нортекс-Альфа” препаратини 0,5 % ли концентрацияда 2 қатламли шимдирилганда термитлар томонидан филтър қоғоз истеъмол қилинмади ва 72 соатдан кейин 98 % биологик самарадорлик аниқланди, кейинги кун текширувида биологик самарадорлик 100 % ни ташкил қилди. 2 қатламли шимдирилганда термитлар филтър қоғозни истеъмол қилмадилар ва уларга нисбатан юқори токсикликка эга бўлди.

Тажрибамизнинг учинчи вариантыда 0,5 %-ли “Нортекс” - Люкс препарати таъсири эттирилганда унинг термитларга нисбатан энг кам токсик хусусиятга эга эканлиги қайд этилди, биологик самарадорлик кунларга тегишли мос равишда 37, 42, ва 54 % ни ташкил этди. 1 % ли «Нортекс» - Люкс препарати таъсирида тажрибадаги 100 та термитдан 46 та термитлар тирик бўлиб, бу тажрибанинг 7-суткасида 54 % биологик самарадорликка эришилганини кўрсатди, 10 суткадан кейин назорат вариантыга нисбатан 92 % термитлар нобуд бўлганлиги қайд этилди.

Пирилакс-Люкс препаратнинг концентрацияси (1 марта шимдирилганда) 0,5 % -ли концентрацияда 72 соатдан кейин 56 % биологик самарадорлик аниқланди, етти суткадан кейинги текширув (ҳисоб-китобда) 60 % ни, 10 суткадан кейинги биологик самарадорлик 86 % ни ташкил қилди. Препарат концентрацияси 2 баробар кўпайтирилганда 1 %-ли вариантыда ҳам термитларга нисбатан токсиклик хусусиятини намоён қилди, биологик самарадорлик тажрибанинг 3 суткасида 56 %; етти суткадан кейин 68 %, ўн суткадан кейин 88 %. Бу вариантда термитлар препарат шимдирилган филтър қоғозларни кам истеъмол қилишди.

Лаборатория тажрибаларига асосланган ҳолда дала шароитида термитларга чидамли қурилиш материалларини таъминлаш мақсадида кимёвий препаратлар (Нортекс-альфа, Нортекс-люкс, Нортон-люкс, Пиралакс ва Пирилакс-люкс) шимдирилган ёғоч тахта намуналари қўлланилди. Дала тажрибалари Бухоро вилояти Қоравулбозор чўл текисликларида 15 та термит уясида кимёвий Нортекс-альфа, Нортекс-люкс, Нортон-люкс, Пиралакс ва Пирилакс-люкс препаратлари синов ишлари амалга оширилди. Натижалар ижобий 100% лик кўрсаткичга эга бўлди, аммо Нортекс-альфа ва Нортекс-люкс препарати ўрнатилган термит уяларида нобуд бўлган термит намуналари топилди.

